



**Владимир Ильич Ленин
атындагы №2 орто мектеби**

27. Ачык сабак

Өзгөн шаары 2022-жыл

КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
БИЛИМ ЖАНА ИЛИМ МИНИСТРЛИГИ
№2 В. И. Ленин атындагы орто мектеби



Ачык сабак

Тема: “ЎТОВНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ЖИҶОЗИ”



Мугалим: Ахмедова М.

ЎТОВНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ЖИҲОЗИ

Дарс тури: Билармонликларини ва кўникмаларини ривожлантириш.

Дарснинг мақсади:

1. Миллий колоритдаги янги архитектуранинг келажаги ҳақида фикр юритиш.
2. Архитектура бўйича янги маълумотларни мустақил топиб, фойданишнинг йўллари билиш.
3. Дўстлари билан биргаликда ишлашга йўналиш бериш.

Дарс жиҳози: Кўргазмали қурол, расмлар Юристанбек Шигаевнинг «Чўпоннинг болалари» картинаси, фотосуратлар, слайдлар, альбом, қайни, елим, акварель, гуашь в. ҳ.

Ўқитиш усуллари: Суҳбатлашиш, кўрсатиш, савол-жавоб, ўтовнинг эскизини тузиш.

Асосий тушунчалар: *Архитектура, атрибут, интерьер, экстерьер.*

Кутилувчи натижа:

- яшаган еримизнинг қадимий архитектуралари бўйича маълумотларни билишади;
- миллий колоритдаги янги архитектура қурилишларининг келажаги ҳақида тушунчаларга эга бўлишади.

Қўмитетнинг
Дарснинг бориши:

1. Ташкил этиш.
2. Ўқувчиларнинг ўқув қуролларини тўлиқлаш, баҳолаш.
3. Синфнинг санитария-гигиена ҳолатига назар солиш.
4. Янги мавзу ўтиш, амалий иш ясаш.
5. Дарсни яқунлаш.
6. Уйга топшириқ бериш.

Янги мавзу

Ўтовнинг жиҳози (интерьер ва экстерьер).

Ўқитувчининг сўзи: Ушбу дарслигимизнинг 59–60-саҳифаларидаги материаллар билан танишиб, муҳокама қиламиз. Ундаги ўтовнинг ички ва ташқи жиҳозини тайёрлашда олдинги дарсларда ўрганган безаш усуллари қўллансангиз ҳам бўлади.



Биз икки дарс орасида қурилишлар ҳақида маълумот олиб, ижодий фикр юритиш билан келажакдаги қурилишлар мавзуидаги расмларни ба-
жарамиз.

Қирғиз халқи, бизнинг ота-боболаримиз экологик жиҳатдан соф, уни-
версал, табиатнинг кўркига кўрк қўшган ўтовларни яшашган.

«Ўтов» қирғиз халқининг миллий турар-жойи. Архитектурали ясали-
ши содда. Бир жойдан иккинчи жойга кўчириш жуда қулай.

Ўтов 2 турга бўлинади. Буклама ва судрама. Буклама – ечиб, тикиш
учун қўлланилади. Судрама – ўтов тиккаланган бўйича ечилмайди, чана
орқали судраб, кўчиб-қўнишга мослашган.

Ўтов

Тоғларга кийгизган дўппидан,
Тутуни уккидай чиқади.
Оталар туйнукни кўтариб,
Оналар учукни тикади

Давра қуриб тўрида,
Кенгашиб масала ечишган.
Айлана косада қимизни,
Давра қуриб ичишган.

(Мўминова Гулсайра)

Ўтов асосан ёғоч, қайиш, жун, чий материалларидан бажарилади. Ўтов
амалда 25 йил чидайди. Ёғоч буюмларни эркаклар, қолган жиҳозларни
аёллар ясашади. Картонга қоғозни қайчи билан кесиб, ёпиштириб иш
йўли билан, бўяб безаса бўлади.

Интерьер – уйнинг ички кўриниши, тузилиши. Жиҳозлари тўлиқ кў
тилган фотосурат берилган.



Экстерьер – уйнинг ташқи умумий кўриниши. Фотосурат ва жи
асари берилган.

Ишни бажаришни ташкил этиш:

Ўқитувчининг сўзи:


Биз кўплаган маълумотларни олдик. Альбом очиб, келажакдаги қуришларни фантазияли, хаёлланиш билан расм солайлик.

Аввало қалам билан эскиз тузинг, табиатга боғлаб, образли расм солинг. Ундан кейин бўяб чизинг.




Ўтовни қоғоздан ёпиштириб ишлаш


Аппликация – турли қоғозларнинг йиғиндиси.
Воситалар – клей, қайчи, акварель, гуашь.



Аппликация қоғозини оламиз (танлашга кўра).



Хушёрлик билан 2 га бузлаб, орқа бетидан ўтовнинг ярим тасвирини чизиб олиб, қайчи билан кессак, тўлиқ ўтовнинг намунаси тайёр бўлади.



Ўтовнинг намунасини олиб, ёзсак тўлиқ шакли тайёр до бўлади. Ундан кейин акварель ёки гуашь билан боёламиз.

Ҳозирги янги қурилиш бинолари ҳақида олган маълумотлар асосида
изланиб, ҳажмли композиция тузамиз.

Дарсни якунлаш:


Бу дарсда олган маълумотлар олиш билан чекланиб қолинмайди. Ри-
вожланиб, ўсиш учун кўп ўқиб, ҳормай-толмай меҳнат қилишимиз керак.


1. Ўтов ҳақида айтиб беринг.
2. Қандай турлари бор?
3. Қандай материалдан ясалади?
4. Интерьер дегани нима?
5. Экстерьер дегани нима?

Яхши ишладингиз, азаматсизлар!

Уйга топшириқ:


Келажакдаги қурилишлар ҳақида ижодий ишларни бажариб келинг.






Интерьер – ўтовнинг ички кўринишлари


Экстерьер – ўтовнинг ташқи умумий кўриниши.



Тоғ қўйнидаги ўтовлар



Тантанавор ўтовлар



Ю. Шигаев. Чўпоннинг болалари



Композиция